Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
2 июль
ЧОРШАНБА
№ 53 (12689)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ИСТИҚЛОЛНИНГ ЛАЛМИ БОҒЛАРИ

*Боғдорчиликда ўзига хос мактаб яратган паркентликлар, бугун дунё ҳамжамияти эътиборини қозонишмоқда. Бунда Хисорак қишлоғи боғбонларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. 2002 йил туман ҳокимлигининг қарори билан ажратилган 5 гектар ер хисораклик Иса ота Рўзибоевга топширилган эди. Боғдорчиликнинг ҳадисини олган 76 ёшли отахон 4 нафар фарзанди ва набираларини қанотига олиб, лалмидан бўстон яратди. Бундан 12 йил муқаддам экилган 500 туп гилос, 200 туп ёнғоқ, 150 тупдан олма ва нок, 100 туп шафтоли ҳозирда мўл ҳосил бермоқда. Айниқса, ширали ва дармондорига бой гилослар шу кунларда ғарқ пишган.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**



Маънавият

**Ҳозирги пайтда дунёда кўплаб диний ва диний эътиқодга тегишли ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Дунёвий динларнинг айримлари бир неча минг йиллик тарихга эга. Одамлар дастлаб асотирлар, афсоналар ва ривоятлар таъсирида яшашган. Айни ана шу афсоналар ва асотирлар антик даврда, ибтидоий ҳаёт шароитида мафкура вазифасини бажарган. Улар ўша давр одамлари мақсадларини, интилишларини, орзу-умидларини ўзида ифода этиб, йўналтирувчилик моҳиятига эга бўлишган. Бошқарувчилик вазифасини бажаришган. Инсоният тарихи давомида дин жамият ҳаётининг муҳим таркибий қисми бўлган. Маънавий мўлжаллар доимий ўзгариб турадиган олам ва одам ҳаётида муҳим мафкуравий таянч бўлиб келган.**

## ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА АҚИДАПАРАСТЛИК – БАРҚАРОРЛИККА ТАҲДИД

Бугунги кунда ҳам дин инсоният тараққиётида айни ана шу моҳиятини йўқотмаган. Буни диннинг жамият ҳаётининг муҳим ижтимоий институти сифатида ижтимоий меъёрлар, қадриятлар, урф-одатлар, эътиқодлар, анъаналар ва умуман серқирра ҳаётнинг барча жиҳатларини, одамлар феъл-атворини, руҳиятини ўзида мужассам этганида кўриш мумкин.

Дин моҳиятига кўра маданий ҳодиса. Чунки у бир томондан маълум бир ҳудудда тарихан муқим яшаб келаётган одамлар ҳаётида шаклланган миллий маданият билан узвий боғланган бўлади. Бошқа томондан эса ҳар қандай маданият кўпинча дин билан параллел равишда, ўзаро ҳамкорлик доирасида ривожланади ва такомиллашади. Шунингдек, дин, ижтимоий институт сифатида ўзига хос тизимга эга. Ана шу тизим бевосита ибодат ва тақво орқали яхлит жамият тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган ҳаётий қонуниятларни қамраб олади. Буни кишилик жамияти тараққиётининг турли босқичларида кўриш мумкин. Фуқароларнинг умумий сафарбарлигини шакллантиришга, эзгулик, яхшилик, яратувчилик, меҳр-шафқат ва ўзаро ҳурмат туйғуларининг ривожланишига ҳисса қўшади. Бундан дин ҳам жамият ҳам манфаатдор бўлади.

Маданий вазифаси. Дин инсоният тараққиётининг мислсиз ютуқлари – ёзувнинг пайдо бўлиши, китоб чоп этиш, мусиқа, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат ва театр санъати билан бирга авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ва умуминсоний қадриятларнинг барқарор ривожланишига кўмаклашади, ёрдам беради. Уни қўллаб-қувватлайди.

У ўзининг ташкилотлари ва унга эътиқод қилган фуқаро орқали жамият ва оила, иқтисодиёт, миллатлараро муносабатлар, шунингдек, давлат ва сиёсатга ҳам ўзига хос таъсир ўтказади. Бироқ, диннинг фаолиятига ва таъсир доирасига алоҳида эътибор беришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Хусусан, глобаллашув шароитида бу ўта жиддий ва изчил назоратни талаб қиладиган ҳодисага айланди. Чунки, ижтимоий ҳаётда диннинг роли ҳаддан ташқари ошиб кетиши натижасида жамиятга таъсири кучаяди, сиёсийлашиб боради. Дунёвий тараққиёт қонуниятларини инкор этиб, конфликт ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун диннинг давлатдан, бошқа ижтимоий институтлардан ажратиб қўйилиши эҳтиёжи ҳаётий ҳақиқатга айланмоқда.

(Давоми 4-бетда).

## Вилоят ҳаёти

### БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВҒА

**Вилоят адлия бошқармасида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Адлия вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда тўртинчи ҳокимият саналган ОАВнинг жамиятда тутган ўрни ва соҳада эришилаётган ютуқларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Маросим сўнгида, адлия тизимида қилинаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказишда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ журналистлар ва бошқарма тасарруфидаги қатор идора вакилларига фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Аваз БЕКОВ.**

Ўрта Чирчиқ тумани

### ЁШЛАР ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

**Туман ҳокимлигида Қизил Ярим ой жамияти ташаббуси билан гиёҳвандликка қарши кураш масалалари юзасидан тадбир ўтказилди.**

Йиғилишда туман соғлиқни сақлаш бирлашмаси вакиллари сўзга чиқиб, соғлом турмуш тарзи, гиёҳванд моддаларнинг зарари, айниқса, ёшларни бу иллатдан ҳимоялаш борасида ота-она ҳамда маҳалла фаоллари, ўқитувчилар доимо огоҳ ва ҳушёр бўлмоқликлари хусусида тўхталиб ўтилди.

Ёшларнинг интернет ҳамда мобиль телефондан нотўғри фойдаланишларининг олдини олиш хусусида тушунча берилиб, таълим муассасаларида турли тўгараклар фаолиятини яхшилаш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш, маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини янада ошириш борасида келишиб олинди.

Тадбир сўнгида мавзуга оид фильм намойиш этилди.

**Умида ИСАЕВА.**

Оҳангарон тумани

### СУҲБАТ МАНЗИЛИ – КУТУБХОНА

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши томонидан туман хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Оҳангарон ҳаёти" газетаси, "Имконият" адвокатлик фирмаси ҳамда мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар ташкилоти" билан ҳамкорликда шаҳар кутубхонасида "Фикри соғлом, маънавияти юксак авлод" мавзуида "Янгилик", "Умид", "Орзу" ва "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи ёшлар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.**

Иштирокчи ёшлар "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан тўлиқ таништирилди.

Тадбирда сўз олганлар жойларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, мактаб битирувчиларини касб-ҳунар коллежларига тўла қамраб олиш, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, маҳалла ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, келажагимиз эгалари бўлган йигит-қизларни турли зарарли одатлар, ёт оқимлар таъсиридан асраш хусусида гапириб ўтдилар.

Тадбир давомида иштирокчи ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассислари томонидан тўлиқ жавоблар олишди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Бугун – Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

## БЕБАҲО ҚАДРИЯТ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзларининг ҳар бири – Давлат байроғи, Давлат герби, Давлат мадҳияси ҳақида алоҳида-алоҳида қонунлар қабул қилинганидан хабаримиз бор.**

**Аммо қонун қотиб қолган тушунча эмас. Замон талаблари ўзгариб, тажрибалар ортиб, мақсадлар муайянлашиб, дунёқараш янада такомиллашиб бораверади. Шу тариқа қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга эҳтиёж туғилади.**

**Бу Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларга ҳам бирдай тегишли. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги қонуни 1992 йил 2 июлда қабул қилинган бўлса, унга 1999, 2003 ҳамда 2005 йилларда айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.**

"Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга асос бўлган омилларни қисқача шундай тасниф қилиш мумкин:

**1. Матнни лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосига мослаш.** Мана, ўн биринчи йилдирки, фарзандларимиз умумий ўрта таълим мактабларини лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида ўқиб битираяпти. Яқин келажакда ёппасига ана шу янги ўзбек алифбосига ўтишимиз тайин. Аммо Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг таҳлил этилаётган ушбу қонун қабул қилинганга қадар бўлган ҳолатида давлатимиз номи кирилл ёзуви асосидаги жорий ўзбек алифбосида битилган эди. Янги қонун билан Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги қонуни 3-моддаси биринчи қисми тўртинчи жумласидаги *"Ўзбекистон"* сўзи *"O'zbekiston"*, шу модданинг иккинчи қисмидаги *"Ўзбекистон" ёзуви"* деган сўзлар *"O'zbekiston" ёзуви"* деган сўзлар билан алмаштирилиши белгилаб қўйилди.

**2. Ифодаларни таҳрир қилиш орқали аниқлаштириш.** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1-моддасида давлатимиз номининг тўлиқ ва қисқарган шакли келтирилиб, уларнинг иккаласи бир маънони англатиши қайд этилган: **"Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлатнинг "Ўзбекистон Республикаси" ва "Ўзбекистон" деган номлари бир маънони англатади".** Аммо Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги қонуни 1992 йилнинг 2 июлида, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан олдин қабул қилинган эди. Шунинг учун бу қонуннинг 2–ва 3-моддаларида давлат номи ўрнига умумий тарзда *"республика"* деб келтилаверган. Таҳлил этилаётган янги қонунда ана шу моддалардаги *"республика"* сўзи *"Ўзбекистон Республикаси"* деган сўзлар билан алмаштирилди.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

## САЙЛОВЛАР ҚОНУН АСОСИДА ЎТИШИ ШАРТ

**Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари – Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ва участка сайлов комиссиялари фаолияти муҳим аҳамиятга эга.**

Қонунчилик палатасига сайлов фақат шу комиссиялар томонидан ташкил этилади ва ўтказилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилади. Ушбу қонуннинг 3-моддасига кўра Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Марказий сайлов комиссияси аъзолигига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан бир нафардан номзод Олий Мажлисга тавсия қилинади. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати номзодлар бўйича тавсияларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқади ва сайлайди.

(Давоми 2-бетда).

## ҚАБУЛ ҚИЗҒИН

**Жамшид ўзи танлаган соҳа бўйича Чирчиқ саноат касб-ҳунар коллежига ҳужжат топшириб, суҳбатдан ўтгач, ўқишга қабул қилинди. У мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ "Очиқ эшиклар куни"да коллежга ҳар келганида ўзгаришлар билан танишиб, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик йўналишида ўқиш учун ўзида иштиёқ сезганди.**

Дарҳақиқат, кейинги йилларда коллеж ўқув-техник базаси мустаҳкамланиб, ўқувчиларга яратилаётган шароитлар туфайли бу ерда таҳсил олиш истагидаги ёшлар кўпайиб бормоқда. Бу йил коллеж қабул режасига мувофиқ, 6 йўналишда жами 330 ўқувчи қабул қилинади. Айни кунда умумтаълим мактабларини тамомлаган ёшлардан ҳужжатларни қабул қилиш қизғин. Қабул комиссияси иш бошлагандан буён дастлабки 4 кун ичида 240 талабгордан таҳсил олиш истаги тушди.

(Давоми 2-бетда).

Фестиваль

## ШОҲСУПАДА ФАҚАТ АЁЛЛАР

**"Соғ танда соғлом ақл" дейишлари бежиз эмас. Инсон омили устувор давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ҳам соғлом авлод, соғлом зурриёт ва мана шу соғлом авлодни дунёга келтирувчи аёллар, бўлғуси оналар саломатлиги учун курашиш, бу йўлда зарур бўладиган барча имкониятларни ишга солиш, шарт-шароитларни яратиб қўйиш. Мамлакатимиз раҳбари бу ҳақда "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида аниқ кўрсатмалар, асосли тавсиялар берган.**



Вилоятимизда дастур ижроси доирасида кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хотин-қизлар қўмитаси бу ишларда асосий ташаббускор ташкилотлардан. Шундай саъй-ҳаракатлардан бири – "Аёллар спорт фестивали" анъанага айланган энг қизиқарли мусобақалардан.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежида ўтказилган спорт фестивалида 4500 га яқин уй бекалари ҳам қатнашди. Мусобақанинг вилоят босқичида қатнашчиларнинг 378 нафари спортнинг 7 тури (енгил атлетика, дартс, сузиш, гимнастрада, волейбол, стол тенниси ва шахмат) бўйича ўзаро беллашишди.

– Вилоятимиз хотин-қизларининг спортга қизиқиши тобора ортиб бормоқда, – дейди тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Ҳозирги кунда вилоятдаги спорт иншоотларида 253 минг 426 нафар қизлар, 38 минг 721 нафар аёллар, жумладан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 84 минг 235 қиз ва 6615 нафар аёллар, хусусий спорт иншоотларида 10 мингдан ортиқ, давлат муассасалари ва ташкилотларида 40 мингдан ортиқ хотин-қизлар спорт билан шуғулланмоқда. Қувонарлиси, бу машғулотларда барча хотин-қизлар, айниқса, уй бекалари ҳам бажонидил иштирок этмоқда. Яъни, суратию сийрати гўзал аёлларимиз бўлғуси соғлом авлоднинг етук, баркамол яратувчилари номига муносиб эканига шубҳа йўқ.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Мусобақа якунлари фикримиз далили.

Бекобод шаҳри жамоаси биринчи, Чирчиқ шаҳри жамоаси иккинчи, Қибрай тумани хотин-қизлари учинчи ўринни эгаллаб, мусобақанинг кейинги босқичларига йўлланма олишди. Шунингдек, ангренлик спортсевар хотин-қизлар "Энг шиддатли жамоа", бўстонлиқлик Диёра Долиева "Энг маҳоратли иштирокчи", паркентлик Латофат Қулмонова "Энг интилувчан иштирокчи", пискентлик Зуҳра Бўсинова "Энг ёши катта иштирокчи" деган гўзал таърифларга муносиб кўрилди. Демак, аёлларимиз, хотин-қизларимизни ҳақиқий спорт шинавандалари, келгусида соғлом авлод яратувчилари, бардам, бақувват оналар дейиш мумкин.

Фестивалда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

**Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Даврон АҲМАД олган сурат.**

Бугун – Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

# БЕБАҲО ҚАДРИЯТ

“Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддаси “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар”, дея ўзгартирилди.

**3. Гербнинг қаерларда жойлаштирилиши ва акс эттирилишига аниқлик ва қўшимчалар киритиш.** Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги қонунининг шу масалага бағишланган 4-моддаси жами 7 банддан иборат эди. Ҳозирги ўзгартириш ва қўшимчалар билан у 11 бандни ташкил этади. Худди “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонунга бу борада ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани каби, бунда ҳам, жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти девони” деган сўзлар ўрнига “Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳлари”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси” деган сўзлар ўрнига ҳозир икки палатали парламентга ўтганимиз муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари” сўзлари билан алмаштирилди.

Бундан ташқари, қонунда:

“Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг бўртма тасвиридан фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвиридан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметларда, ўқув-тарбия жараёнида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкин”, деган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди.

**4. Янги қоидани жорий этиш.** “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги қонун қуйидаги мазмундаги 5¹-модда билан тўлдирилди:

“Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг элементларини нодавлат ташкилотлар ҳужжатларининг реквизитларида ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби ўхшаш бўлиши мумкин эмас”.

**5. Қонун ижросини таъминлаш устидан назорат тартибига ўзгартириш киритиш.** “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси олдинги ҳолати бўйича, “ушбу қонунда баён этилган талабларга риоя қилиниши учун масъулият Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвиридан фойдаланиш ҳуқуқи берилган давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг раҳбарлари зиммасига” юклатилган эди. Таҳлил этилаётган қонунда бу модда қуйидагича ифодаланди:

“Ушбу Қонун ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилади”.

“Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси олдинги ҳолати бўйича, “ушбу қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиш Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари зиммасига” юклатилган эди. Таҳлил этилаётган янги қонунда бу модда ҳам ниҳоятда аниқлаштирилди:

“Ушбу Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари томонидан ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назорат эса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади”.

Хуллас, шу Ватаннинг фарзанди бўлган ҳар бир фуқаро бебаҳо ижтимоий-сиёсий қадриятларимиз ҳисобланмиш давлат рамзларини билиши, ҳурмат қилиши, улар ҳақидаги қонунлар ва уларга киритилаётган охирги ўзгартириш ва қўшимчалардан ўз вақтида боохабар бўлиши шарт.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти доценти.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# САЙЛОВЛАР ҚОНУН АСОСИДА ЎТИШИ ШАРТ

Марказий сайлов комиссияси аъзолари тўлиқ шакллантирилгандан кейин комиссия аъзолари ўз аъзоларидан бирини Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг Раислигига сайлайди. Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари ва комиссия котиби ҳам комиссия аъзолари орасидан комиссиянинг мажлисларида сайланадилар.

Округ сайлов комиссияси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилади.

Мазкур қонуннинг 12-моддасига кўра, округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссиясининг шахсий таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

Мазкур қонуннинг 14-моддасига кўра, участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан тузилади. Участка сайлов комиссияси сайловга камида қирқ кун қолганида беш-ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияси таркиби зарур ҳолларда, яъни сайлов участкаларида сайловчиларнинг сони кўп ёки камлигига қараб кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини идора раҳбари амалга оширади.

Округ ва участка сайлов комиссияларига аъзоларни танлаш ва тасдиқлаш сайлов кампанияси жараёнидаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Мазкур қонуннинг 14-моддасига кўра округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланади.

Энг эътиборли томони сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тасдиқланишидир. Бу норма мазкур қонун лойиҳаси тайёрланаётган вақтида шахсан давлатимиз раҳбари томонидан киритилган бўлиб, сайловда қатнашаётган фуқароларнинг сайлов комиссияси аъзолари орасида ўзлари яшаётган маҳаллаларда, қишлоқ ва овулларда, туман ва шаҳарларда жамоатчилик ва давлат ишларида халқ назарига тушган, ижобий ишлари билан бошқаларга ўрнак бўла оладиган обрўли, эътиборга лойиқ шахсларни кўриши лозим.

Чунки, мана шу ҳолат сайловчиларга ижобий таъсир кўрсатиб, сайловда сайловчиларнинг максимал даражада иштирокини таъминлайди. Бу демократик жараёнлар ўз ифодасини бирон бир мамлакатда кузатилмайдиган ҳолат, десак ҳеч ҳам муболаға бўлмайди.

Олий Мажлис сайловининг муҳим жиҳатларидан яна бири участка сайлов комиссияларининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмаслигидир. Чунки, бу сайловда сиёсий партиялардан номзодлар кўрсатилади. Шу сабабли сайлов комиссияларида сиёсий партияларнинг аъзолари бўлишлиги амалдаги қонунларда белгиланган демократия принципларининг бузилиши ҳисобланади.

Ўтказилган сайловлардан маълум бўлганидек, амалиётда аксарият ўқитувчилар сайлов комиссияларига аъзо сифатида киритилади. Улар орасида эса партия аъзолари кўпчиликни ташкил этади. Сайлов комиссиясига аъзо бўлиб қолган комиссия аъзолари эса сиёсий партиядаги аъзолигини тўхтатиб туришади. Лекин қонун нормасида партия аъзолигини тўхтатиб турса сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин деган норма йўқ. Шундай экан, қонуннинг ушбу талаби сайлов комиссиялари томонидан сўзсиз ижро этилишини сиёсий партиялар жамоатчилик назоратига олишлари керак.

Шунингдек, депутатликка номзод сифатида кўрсатилган фуқаролар ҳам сайлов комиссияларига аъзо бўлишлари мумкин эмас. Чунки депутатликка номзод сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши, шу округдан кўрсатилган бошқа номзод ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади.

Округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек, ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Округ сайлов комиссиясининг аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқи комиссияни тузган орган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига тааллуқли. Ушбу масала уларнинг мажлисларида муҳокама қилинади. Агар комиссия аъзоси сайлов тўғрисидаги Қонун талабларини бузган ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдирган тақдирда ваколатларидан маҳрум этилади. Бу ҳолат участка сайлов комиссияси фаолиятига ҳам тааллуқли.

Округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзоларини кўпайтириш зарурати бўлса, сайлов комиссиясининг янги аъзоси мазкур Қонунда белгиланган тартибда тайинланади.

Округ ва участка сайлов комиссияларига бир шахснинг қайта-қайта аъзо бўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида қонунда бир шахсни фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкинлигига тўғрисидаги норма белгиланган.

Қонунларда белгиланган ушбу нормалар сайловларнинг очиқлигини таъминлаш имконини беради, шунингдек, сайлов комиссиялари фаолияти устидан сиёсий партияларнинг жамоатчилик назоратини амалга оширишлари янада кучайтиради.

**Фахриддин КОМИЛОВ,**
**Абдуҳолик ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Огоҳлик – давр талаби

## ЁТ ҒОЯЛАР – ЖАМИЯТ ДУШМАНИ

**“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг диний ишлар бўйича қўмитаси билан ҳамкорликда “Диний-экстремизм ғояларининг жамиятга таъсири” ва “Оммавий маданият – кўзга кўринмайдиган хавфли қурол” мавзуларида давра суҳбатлари ўтказмоқда.**

Бекобод туманидаги 16-мусиқа ва санъат мактабида ташкил этилган шундай тадбирда “Камолот” ЁИҲ туман кенгаши аъзолари, ҳаракат фаоллари, тумандаги жамоат ташкилотлари раҳбарлари, маҳалла маслаҳатчилари, шунингдек жоме масжидлари имом-хатиблари иштирок этдилар. Унда юртимизда ёшлар тарбиясига берилаётган эътибор, диний-экстремизм, оммавий маданият каби ёт ғоялардан уларни ҳимоя қилиш, келажагимиз эгаларини бундай иллатларга муросасизлик руҳида тарбиялаш юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Кун тартибидаги масалалар доирасида тарғибот-ташвиқот ишларини кенгайтириш, ўзини ўзи бошқариш идоралари ва жамоат ташкилотларининг ролини кучайтириш юзасидан навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Каримқул БОБОҚУЛ ўғли.**

# ЎҚУВ ЙИЛИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

**Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг 2013-2014 ўқув йили якуни бўйича амалга оширилган ишлари сарҳисоб қилинди.**



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Улуғбек Иноятов иштирок этиб, вилоят ўқитувчи-мураббийларини илғор педагогик ютуқлари билан қутлади.

Курс якунига кўра, энг юқори кўрсаткичларга эришган тингловчиларга ташаккурнома ва фахрий ёрлиқлар топширилди. Шунингдек, республика Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш борасида жонбозлик кўрсатган 12 нафар ўқитувчи Халқ таълими вазири томонидан қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди.

Тадбирда таъкидланганидек, курс тингловчиларининг 144 соатлик малака ошириш курслари якунланди. Бугунги кунда институт профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти 63 фоизни ташкил этади.

Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан вилоятдаги “Маҳорат мактаблари” ва “Таянч мактаблар”ида мунтазам тизимли амалий-методик фаолият олиб борилмоқда. Малака ошириш институти Чирчиқ шаҳри, Зангиота, Ўрта Чирчиқ, Қибрай, Паркент туманлари билан мунтазам ҳамкорлик ишларини йўлга қўйган.

Профессор ва экспериментатор ўқитувчилардан бир нафари “Йилнинг энг яхши маънавият тарғиботчиси”, 3 нафари “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” республика кўрик-танловлари ғолиби, 10 нафари халқаро тоифадаги миллий таълим мураббийлигига, бир нафари кураш бўйича Осиё чемпионлигига сазовор бўлди.

2014 йил ўқув йилининг ўтган 6 ойи мобайнида анъанавий малака ошириш курсларининг режаси 101 фоизга бажарилди. Чет тили гуруҳларини 2-синф дарслиги билан ўқитиш бўйича ташкил этилган 36 соатлик дастур асосидаги курслар 107 фоизни ташкил этди.

2014-2015 ўқув йилида 2-синфларда чет тилидан дарс берувчи ўқитувчиларни махсус курсларда ўқитиш чоралари кўрилиб, улар босқичма-босқич ҳафталик малака ошириш курсларида ўқитилмоқда.

**Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА,**
**маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректор.**

# ҚАБУЛ ҚИЗҒИН



– Ҳозир ёшларимизда пайвандлаш, металларга ишлов бериш механиги, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик, автоматика воситалари ва назорат ўлчов асбобларини монтаж қилиш, ишлатиш ва хизмат кўрсатиш техники каби йўналишларга бўлган қизиқиш катта, – дейди консультатив марказ масъул котиби Гулнора Эргашева. – Кунига 80-90 йигит-қиз ҳужжат топширмоқда. Шаҳримиздаги 25 та умумтаълим мактабидан келаётган ўқувчилар учун график тузилган.

Бу эса қабул жараёни янада тезлашиши, сифатли ва тезкор амалга оширилишига қулайлик туғдирмоқда. Бу ерда нафақат талабгорлар, балки уларнинг ота-оналари учун ҳам шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, буфет, “Она-бола хонаси”, малакали ҳамшира ва психологлар улар хизматида.

**Саид ҲАСАНОВ.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таҳририятга хат

## ШИРИН СЎЗЛАРИ ШИФО

Қибрай тумани Ж. Хонназаров номидаги фахрийлар оромгоҳи Бўзсув каналига яқин бўлиб, табиатнинг бутун гўзаллигини ўзида акс эттирган. Саломатлигини тиклаш учун бу сўлим масканга келган беморларга оромгоҳнинг Муножатхон Эрматова, Сайёрахон Абдураҳимова, Мухтарамхон Мағрупова сингари ширинсўз тиббиёт ходимлари хизмат қилмоқдалар. “Дарсенваль”, “Электрофарез”, “Массаж” хоналарида хизмат қилувчи Камола Муҳаммаджонова ҳам ширин сўзлари билан беморларнинг кўнглига йўл топади.

Туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Одилжон Бойматовнинг саъй-ҳаракатлари билан фахрийларга зарур дори-дармонлар бепул тарқатилади.

Биз ушбу шифо масканида даволанувчи фахрийлар номидан оромгоҳдаги барча тиббиёт ходимлари ва хизматчиларга миннатдорчилик билдирамиз.

**Асатилла РАҲИМОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

Қишлоқ мулкдорлари

# ТОҲИР ФЕРМЕР ДУНЁ КЕЗМОҚДА

**“Сойлиқ Азимжон Нодиржон” фермер хўжалиги ташкил топганига эндигина етти йил бўлди. 2006 йили 16,5 гектар ерда 3 киши – фермернинг ўзи, рафиқаси Раънохон ва сувчи Зайниддин Иброҳимов иш бошлаб, фақат ғалла ва сабзавот етиштиришарди. Тўла ишончга киргач, 2008 йилда яна 64,5 гектар ер қўшиб беришди.**





Бугун Тоҳир Рустамбоев бошлиқ ушбу хўжалик Бўстонлиқ туманида етакчилардан. Қисқа даврда ҳам йирик, ҳам кўптармоқли хўжаликка айланди.

2010 йилга келиб, 27 гектарда пакана ва ярим пакана нав мевадан интенсив боғ барпо этди. Бу йил олма, нок, гилос ва олхўри ҳосилга кирди. Кўчатлар Сербиядан келтирилган эди.

2012 йилда Австрияга бориб, 29 бош зотдор ғунажин олиб келди. Уларни яхши парваришлаб, кўплаб насл олди. Ҳозир сигирларининг сони 50 бошдан ошди. Соғувчи Жамила Мирзараимова уларнинг ҳар биридан кунига 25 литргача сут соғиб олаяпти.

– Бир йўла иккита сигирни соғадиган қулай аппаратни фермеримиз Италиянинг “Интерпульс” компаниясидан олиб келган, – дейди Ж. Мирзараимова. – Ўтган йили шу аппаратлар билан 40 тоннадан кўпроқ сут соғиб олдик. Яна 8 тонна гўшт ҳам етиштирилди.

Т. Рустамбоев дунё кезишни хуш кўради. Саёҳат учун эмас, тажриба ўрганиш мақсадида, албатта. Австрия ва Италия сафарларидан сўнг 2013 йил январь-февраль ойларида АҚШнинг Калифорния штатида боғдорчилик бўйича ташкил этилган ўқув-семинарда қатнашиб, катта тажриба билан қайтди. Апрелда эса Хитойга борди. Чорвачилик соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиб келди.

– Бу йил кузда Германияга бормоқчиман, – дейди фермер. – Мақсадим 300 бош насли эчки олиб келиш. Айтишларича, ҳар бири 6 литргача сут берар экан. Эчки сутидан зўр пишлоқ чиқади. Эчки сути қайта ишланадиган цех қуриб олиш қийин эмас.

Хўжаликда қийинчиликнинг ўзи йўқ. Ҳамма иш аввалдан пухта ўйланган режа асосида олиб борилади. Ўтган йили ғалладан 61 центнердан ҳосил кўтарилганди. Бу йилги ҳосилнинг чўғи 70 центнердан кам бўлмаслигини кўрсатаяпти.

Кетма-кет муваффақият келтираётган яна бир омил шуки, хўжаликнинг техникаси бут. МТЗ-82, Т-28, БТ-150, Т-54 каби чопиқ, ҳайдов ва транспорт тракторлари ўзларига етиб ортади. Бундан ташқари, экскаватор ва қўш КамАЗ автомашиналаригача бор.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**Даврон АҲМЕДОВ (суратлар),**
**“Тошкент ҳақиқати” мухбирлари.**

**СУРАТЛАРДА:** (чапда) фермер Тоҳир Рустамбоев ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бош ҳосилоти Мирали Мирзаалиев; сут соғувчи Жамила Мирзараимова.

Семинар

**“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши тижорат банклари ҳамкорлигида “Ёшлар орасида тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида жойларда семинарлар ташкил этмоқда. Шундай семинарлардан бири Бекобод туманидаги саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида ташкил этилди.**

# ЁШЛАРГА БИЗНЕС КЎНИКМА



Семинарда коллеж талабаларига лойиҳанинг мақсад ва вазифалари, ёшларнинг бизнесга қизиқишларини шакллантириш, тадбиркорликнинг илк босқичлари, шунингдек ёш тадбиркорларга енгилликлар, айниқса, коллеж битирувчиларига ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳақида тегишли маълумотлар берилди. Семинар якунида иштирокчилар берилган маълумотларни қай даражада, ўзлаштирганликларини аниқлаш мақсадида анкета сўровлари ўтказилди ва қатнашчиларга “Ёш тадбиркор – юртга мададкор!” мавзуидаги буклетлар тарқатилди.

– Интерфаол усулда ўтган семинар талабаларимизда яхши таассурот қолдирди, – дейди коллеж директори Қаҳрамон Юнусов. – Улар тадбиркорлик ва бизнес кўникмалари юзасидан дастлабки маълумотларга эга бўлиб, келгусида бу соҳада фаолият юритиш истагини билдирмоқдалар.

**Каримқул МАВЛОНОВ,**
**“Тошкент ҳақиқати” мухбири.**

**СУРАТДА:** семинардан лавҳа.

Болалар ёзи – 2014

# ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР ОРОМГОҲИ

**Бўстонлиқ туманидаги "Қуёшли" болалар дам олиш масканида иқтидорли ўқувчиларнинг "Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи" биринчи навбатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**



Билимли ва қобилиятли ўғил-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлашга қаратилган тадбирда таълим, касаба уюшмалари тизими раҳбарлари, олимлар, ўқитувчи ва мураббийлар, иқтидорли ўқувчилар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда ўсиб-улғайиши, соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бу йилги ёзги дам олиш мавсумида мамлакатимиздаги 1 минг 85 болалар дам олиш масканида қарийб 281 минг нафар ўғил-қизнинг мароқли ҳордиқ чиқариши кўзда тутилган. Мавсумнинг илк навбатида юз мингдан зиёд ўқувчи мазмунли дам олиб, саломатлигини тиклади.

Мазкур оромгоҳда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида анъанавий ўтказиб келинаётган билимлар беллашувида ғолиб бўлган 520 нафар ёш ўғил-қиз босқичма-босқич соғломлаштирилади.

"Қуёшли"да болаларнинг дам олиши билан бирга, турли фанлар бўйича ўқув машғулотларида қўшимча билим олиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилган. Оромгоҳга билимлар беллашувининг ғолиблари ва уларнинг ўқитувчилари ҳам жалб этилгани иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, илғор педагогик технологиялар, ўқитиш услубларини оммалаштириш имконини бермоқда.

– Мамлакатимиз миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ўқувчилардан 300 нафари "Касаба уюшмалари – болаларга" акцияси доирасида бепул йўлланма билан оромгоҳимизда ҳордиқ чиқармоқда, – дейди оромгоҳ раҳбари Йўлчибой Раҳимжонов. – Кутубхона, маънавият ва компьютер хоналари, хореография ва мусиқа заллари, сузиш ҳавзалари, теннис, волейбол, футбол майдончалари дам олувчилар ихтиёрида.

Таниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар, илғор педагоглар иштирокида ўтказиладиган маҳорат дарслари, ўқув машғулотлари ва учрашувлар болаларнинг турли фанлар бўйича билимини янада бойитишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Беҳзод ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказиш мақсадида Қибрай туманидаги "Қипчоқ" маҳалласида бокс мусобақаси ташкил этилди.**

# ҚИБРАЙЛИКЛАР БИРИНЧИ БЎЛИШДИ

Уч кун давомида 13-мактаб бокс ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Биринчиликда мезбонлардан ташқари, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ туманлари, шунингдек, Чирчиқ ҳамда Олмалиқ шаҳарларидан ташриф буюрган жами 151 нафар ёш чарм қўлқоп усталари рингга кўтарилишди. Барча жангларни кўтаринки кайфиятда ўтказган қибрайлик ёш боксчилар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Юқори Чирчиқ ва Бўстонлиқ тумани вакиллари ҳам совриндорлар қаторидан жой олишди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**




## ЎЗИГА ЎТ ҚЎЙДИ

**Япониялик бир фуқаро мамлакат конституциясининг урушга қарши бандига тузатиш киритишга қарши норозилик билдириб, ўзига ўт қўйиб юборди.**



Асосий қонунга киритилмоқчи бўлинаётган ушбу янгилик ҳукуматга қуролли кучлардан чет элларда фойдаланиш имконини беради, деб ёзади Би-би-си. Ўзига ўт қўйган киши шифохонага ётқизилди. Бироқ, у қай даражада жароҳат олгани тўғрисида ҳозирча маълумот йўқ.

Конституцияга ўзгартиш киритиш масаласини мамлакат бош вазири Синзо Абэ таклиф қилган эди. Япониянинг 1947 йилда кучга кирган конституциясида, жумладан япон халқи ҳукуматнинг хатти-ҳаракатлари натижасида вужудга келадиган янги уруш даҳшатларига йўл қўймаслик масаласида қатъий эканлиги белгиланган.

## ИМОРАТ БИТМАЙ ТУРИБ ҚУЛАДИ

**Ҳиндистонда ҳали битмай туриб, қулаб тушган 12 қаватли бино харобалари остида 130 дан зиёд киши қолиб кетган бўлиши мумкин, деб ёзади Би-би-си мамлакат ҳукумати маълумотларига таяниб.**

Камида ўн киши ушбу фожиа қурбонига айланди. Тахминий маълумотларга қараганда, уларнинг аксарияти қурувчилар. Айни пайтда қутқарувчилар харобаларни тозалаш ва жабрланганларни қидириш билан шуғулланмоқдалар.

Илгари тарқатилган хабарга кўра, ушбу фожиага яшин зарбаси сабаб бўлган. Воқеа гувоҳларининг айтишича, бино кучли ёмғир ёғиб турган пайтда қулаган. Полиция терговни бошлаб юборди.

## ЎСМИРЛАРНИ ЎҒИРЛАШДА ГУМОНДОРЛАР

**Исроил қўшинлари Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида яна 18 фаластинлик фуқарони қамоққа олди.**



Ушбу фаластинликлар икки ҳафта муқаддам уч ўсмирни ўғирлаб кетишда иштирок этганликда гумон қилинмоқда, дея хабар тарқатди Би-би-си.

Исроил ушбу ўғирлик муносабати билан Фаластиннинг ХАМАС ҳаракатини айбламоқда. Қидирув давомида Исроил хавфсизлик хизмати 400 дан зиёд кишини ҳибсга олди. Улар террорчилик фаолияти билан шуғулланишда айбланишмоқда.

## МАМЛАКАТНИНГ ЯРМИ ҚОРОНҒУДА ҚОЛДИ

**Би-би-си агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Венесуэла ҳудудининг ярмидан кўпи, жумладан пойтахт Каракаснинг бир нечта тумани электр энергиясисиз қолди.**



Бунинг сабаби ҳозирча аниқлангани йўқ. Каракас шаҳрида метро поездлари тўхтаб қолди. Шаҳар кўчаларидаги светофорлар ишламаётгани боис талатўплар бошланди.

Электр қуввати йўқлиги сабабли мамлакат президенти Николас Мадуронинг эфирга бевосита чиқиши узилиб қолди. У юз берган ҳолатни аниқлашга киришилганини маълум қилишга улгурди холос.

Венесуэлада истеъмолни камайтириш мақсадида ёки коммунал авариялар сабабли электр тез-тез ўчиб туради. Бироқ, мамлакат пойтахти бундан мустасно эди. Ҳукуматни танқид қилишни ёқтирувчилар электрдаги бу узилиш энергетика тармоғига инвестиция киритилмаётгани оқибати эканини таъкидламоқдалар.

## ДАМАШҚ ЯҚИНИДА ПОРТЛАШЛАР

**Сурия пойтахти Дамашқнинг шимоли-шарқидаги Дума шаҳрида кетма-кет портлашлар юз берди.**

Al Jazeera телеканалининг маълум қилишича, ушбу террорчилик ҳаракати оқибатида камида 18 киши қурбон бўлди. Дастлабки хабарларга кўра, портлаш Дамашқдан 12 километр нарида, «Жей ал-Ислом» гуруҳининг йирик жангарилари жойлашган ерда юз берди. Портловчи ускуна енгил автомашинага ўрнатилган экан.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Bolalik bog`i

## ISTIQLOL

*Sensan ona makonim,*
*Chaman, bog`-u*
*bo`stonim.*
*Ipak yo`lda karvonim,*
*Aziz O`zbekistonim.*

*Sen sevimli suyuksan,*
*Birdamsanki buyuksan.*
*Ulug` tog`dan ulug`san,*
*Mo``tabar tabarruksan.*

*Musaffodir osmoning,*
*Sarhadlarda posboning.*
*Parvoz qilar laylaklar,*
*Osuda har oshyoning.*

*Sensan ona makonim,*
*Sensan ota makonim.*
*Jonimdan ham azizim,*
*O`zbekistonim jonim!*

## KUNGABOQAR

*Chiroy ochib quyoshjonga,*
*Kulib turar kungaboqar.*
*Salom berib keng dalaga,*
*Tebranadi kungaboqar.*

*Salomlashib, suhbatlashib,*
*Ta'zim etib turadi u.*
*Kun botganda-chi, ko`ringlar*
*Qovog`ini uyadi u.*

## DO`ST BO`LDIM...

*Sotib oldim bir kitob,*
*Ochib o`qisam shu tob –*
*Qatida qancha jumboq,*
*Ertak, maqol, topishmoq.*
*Har sahifa so`zlaydi,*
*Yorug` yo`lni ko`zlaydi.*
*Judayam qildim huzur,*
*Xatom ko`p ekan uzr.*
*Shu-shu qachon bo`sh bo`ldim,*
*Kitob bilan do`st bo`ldim.*

## RAHMIM KELADI

*Atir gulga, rayhonga,*
*Rahmim keladi.*
*Odamlarga gohida,*
*Qahrim keladi.*

*Ko`rmaydimi ko`zlari,*
*Ko`ngli to`lmasmu?*
*Shu gullarni uzmasdan,*
*Hidlab bo`lmasmu?*

## DEVOR

*Sharq gavhari*
*Samarqand,*
*Sayqallanib turadi.*
*Minoralar osmonga,*
*Suyanib o`y suradi.*

*Bu devorlar poyida,*
*Bobolar izi qolgan.*
*Naqshinkor jilolarda,*
*Ajdodlar ko`zi qolgan.*

## BAYROG`IM

*Oq va yashil havorang,*
*Belbog`ingdir qizil rang.*
*Oy yulduzlar yarashgan,*
*Chiroylisan bayrog`im.*

*Vatanimning ramzisan,*
*Mo``tabarsan, azizsan.*
*Mustaqil yurtimda sen,*
*Xilpiragin bayrog`im.*

**Madina SAIDOVA,**
**Angren shahridagi**
**33-maktabning**
**9-sinf o`quvchisi.**

Маънавият

# ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА АҚИДАПАРАСТЛИК – БАРҚАРОРЛИККА ТАҲДИД

Жамиятда дин ва сиёсатнинг ўзаро муносабатлари ўта мураккаб ва серқирра ҳодиса. Умуман олганда сиёсат тушунчасига ёндошувнинг ўзи хилма-хил ва ранг-баранг. Масалан, қадимги юнон файласуфи Платон: "Сиёсат – бу ҳамжиҳатликда яшаш санъати", деган эди. Атоқли социолог Макс Вебер эса: "Сиёсатни ҳокимият ишига аралашишга интилиш" деб билган. Таниқли немис давлат арбоби Бисмарк: "Сиёсат – имкониятлар сарҳади", дея баҳо берган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сиёсат ижтимоий ҳаётни тартибга солади, ташкил қилади. Ҳаётда юз берадиган муаммоларни ва муносабатларни мувофиқлаштиради. Бошқача қараганда сиёсат турли ижтимоий гуруҳлар ва фуқароларнинг интилишларини, мақсадларини ўзида мужассам этиб, ҳокимият фаолиятида иштирок этади. Сиёсий кураш, фикрлар хилма-хиллиги ва ғоялар рақобати орқали жамият тараққиётини тезлаштиради.

Ўзбекистон давлатининг сиёсий қарашларида диний тараққиёт ҳар қандай фанатизмдан ҳоли, инсон тақдири ва олам бус-бутунлиги билан боғлиқ бўлган, мамлакат ички муаммоларига ҳам, дунёвий масалаларга ҳам илоҳий қувват, беқиёс ақл-идрок ва соғлом фикр билан ёндошишни тақозо этадиган, бунёдкорлик ва яратувчиликка даъват қиладиган ғоя мавжуд. Зотан, худди шундай ёндошув, ана шундай дунёқараш, динни шундай англаш ва унга эътиқод қўйиш улуғ бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг мағзи бўлган "Дил ба ёру даст ба кор" деган ғоясига мос тушади. Ана шу ҳақиқат – инсоннинг беқиёс иқтидорини, унинг кенг имкониятларини тобора ривожлантирадиган, такомиллаштирадиган, ўзининг келажагини яратишга чорлайдиган ниҳоятда оддий ва айни пайтда мўъжизавий даъват, илоҳий қудратдир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жамият тараққиётини издан чиқариш, унинг ривожланишига тўғаноқ бўлиш, конфликт вазиятни вужудга келтириш аслини олганда унчалик ҳам қийин иш эмас. Бунинг учун фанатизм таянчи бўлган хом хаёлларга озгина эрк бериш, ҳис-ҳаяжонларни жунбишга келтиришнинг ўзи кифоя. Ақидапарастлик ҳаёт ҳақиқатини тан олмасликка, мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларни юзаки баҳолашга йўл очиб беради. Натижада одамлар фикрлаш, ақл-идрок билан иш тутиш ўрнига ортиқча ҳис-ҳаяжонга бериладилар. Эҳтирослардан жунбишга келиб, турли даъватлару шиорлар билан майдонга чиқадилар. Бунга Наманган воқеалари, 1999 йил 16 февраль фожиалари яққол мисол бўла олади.

Албатта, ўшанда террорчилар ўзларининг қабиҳ ниятларига ета олмадилар. Бироқ, бизнинг аччиқ қисматимиз яна бир бор ҳаёт ҳақиқатини исботлади: фанатизм – фикр ва тафаккур кушандаси, жаҳолат ва хиёнат таянчи эканлигини кўрсатди.

Юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайдиган Ўзбекистонда руҳий ва маънавий дунёқараши, турмуш тарзи ва ақидалари хилма-хил бўлган, тили, миллати, ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, инсонлиги учун улуғлаш каби ғоят инсонпарвар сиёсатни қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини яққол кўриб турибмиз. Зеро, Президент Ислом Каримов "...биз демократик янгиланиш палласига кирар эканмиз, руҳий покланишни ҳам унутмайлик, тараққиётимизга ғов бўладиган маънавий риёкорликдан тезроқ қутулайлик" ёки "буни бизнинг фуқароларимиз, ёшларимиз эсда тутишлари ва қадрлашлари лозим. Мамлакатимиз ичида ҳам, жаҳон ҳамжамияти олдида ҳам ўз масъулиятларини тушунишлари ва унутмасликлари зарур" деганида, жаҳон андозаларида камдан-кам учрайдиган мамлакат аҳолиси турли табақасини умуминсоний қадриятлар асосида жипслаштириш, шу асосда юксак маънавий-маърифий жамиятни шакллантириш тамойилларини ўртага ташлайди. Диний ақидапарастлик жамият ҳаёти ва одамлар тақдири учун ҳамма вақт таҳликали, унга таҳдид солиб турадиган ашаддий ёвузликдир. Терроризм ана шу ёвузликнинг тарихда абадий равишда тавқи лаънатга маҳкум этилган кўринишидир.

Аслини олганда, Ўзбекистондай ўтмиши инсоният тарихи, кишилик ҳаёти ибтидоси билан тенгдош бўлган маконда, ўзбеклардай юксак маданият ва ноёб маънавиятга ворислик қиладиган халқ ҳаётида бундай фожиали ҳодисанинг юз бериши мумкин эмас. Айни ана шу заминда туғилган Имом Бухорий, имом Термизий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замаҳшарий, Ҳожа Аҳрор Валий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий ва бошқалар каби ўнлаб даҳолар борки, улар Ислом динини оддий, кундалик тақво ва ибодатдан том маънодаги таълимот даражасига олиб чиқдилар. Инсоният тараққиётини бутунлай ўзгартириб юборган, жаҳон цивилизациясига ғоятда кучли таъсир ўтказган Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, улуғ саркарда ва давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа бобокалонларимиз дунё тараққиётини, табиий фанлар, фалсафа, мантиқ ва адабиёт ривожини Ислом таълимоти билан муштарак ҳолда тушундилар ва ривожлантирдилар. Давр, тарихий шароит шундай эдики, айни ана шу омилларнинг бири кам бўлганида буюк ихтиролар, оламу одамлар тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган кашфиётлар дунёга келмаган бўлур эди.

Масаланинг аянчли жиҳати ҳам бор: худди ана шу биз юқорида номларини тилга олган улуғ даҳоларнинг барчаси ислом динини илмий, назарий ва амалий жиҳатдан қанчалик юқорига кўтарган, эъзозлаган, унинг назарияси ва фалсафасини бойитган бўлсалар, диний фанатизм ва ақидапарастликдан ҳам шунчалик кўп жабр кўрганлар. Айримлари ҳатто хурофот ва жаҳолат қурбони бўлдилар.

1999 йил август ойининг охирларида бир гуруҳ жангарилар Тожикистон орқали Қирғизистоннинг Боткент туманига кириб келдилар. Улар қарийб уч ой мобайнида туманнинг беш қишлоғини босиб олдилар. Тинч яшаётган минглаб одамлар ҳаётига тажовуз қилдилар. Уларнинг мол-мулкини, озиқ-овқатларини тортиб олдилар. Бир қирғиз генерали, тўрт япон фуқароси ва бошқа бир неча кишилар гаровга олинди. Турли миллат вакиллари ва бир неча мамлакат фуқаросидан иборат жангарилар халқаро терроризмнинг янги қиёфасини кўрсатдилар.

Албатта, инсоният шажараси абадий. Ҳаёт эса чексиз, чегарасиздир. Унинг кутилмаганда янгидан-янги, бир-бирига ўхшамаган муаммолари пайдо бўлаверадики, уларни ўз вақтида илғаб олиш, англаб, тўғри тушуниш ва энг мақбул шаклдаги ечимини топиш алоҳида зукколикни тақозо этади. ХХ аср иллати сифатида дунёга келган, тобора мадда бойлаб, жазавага тушаётган диний фанатизмга кескин зарба бериш, уни таг-томири билан суғуриб ташлаш айни пайтда ҳар бир фуқародан ҳақиқат билан юзма-юз туриш жасоратини, тинчлик ва барқарорлик учун масъуллик мажбуриятини талаб қилади.

**Нарзулла ЖЎРАЕВ,**
**сиёсий фанлар доктори, профессор.**

Кўргазма

# ГЎЗАЛЛИК ВА ОЛАМ

**Пойтахтимиздаги Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейида Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари Муроджон Темиров ва Ҳасанбой Умаровнинг "Гўзаллик ва олам" деб номланган шахсий кўргазмалари очилди.**



М. Темиров институтнинг тасвирий санъат факультети "Дастгоҳли ранг-тасвир" бўлими битирувчи-магистранти. Кўплаб танлов ва кўргазмаларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаган. Ҳозирги вақтда манзара, портрет ва натюрморт жанрларида ижод қилаётган ёш рассомнинг 40 дан ортиқ асарлари экспозициядан ўрин олган. Уларда юртимиз табиати манзаралари, турли мавзулардаги натюрмортлар, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, турмуш тарзимизнинг айрим қирралари акс этган. Кўргазмага муаллифнинг "Ёшлик", "Дўстлик", "Каштачи", "Олтин куз", "Сўқоқ", "Оқтошда ёз", "Ҳожикент" каби қатор асарлари қўйилган.

Ҳ. Умаров институтнинг амалий санъат факультети "Бадиий кулолчилик" бўлими бакалавр-битирувчиси. У ҳам қатор кўрик-танловлар ғолиби. Кўргазмага унинг 20 га яқин кулолчилик асарлари қўйилган. Уларда муаллифнинг борлиққа қараши, тасаввури акс этган. Улар орасидан "Она дуоси", "Машраб сиймоси", "Сайёралар туташуви", "Мувозанат", шунингдек турли шаклларда ишланган вазалар ўрин олган. Экспозицияга қўйилган "Хумсон манзараси" ранг-тасвир асари ҳам ўзига хос услубда ишланган.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

ЭЪЛОН

# «ЯНГИ НИГОҲ» ТАНЛОВИ ИШ БОШЛАДИ

**Республика Президентининг жорий йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган Дастур ижросини таъминлаш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган танловда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган таълим муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари, ижодий бирлашмалар, марказ ва клублар аъзолари, профессионал журналистлар, видеомаҳсулот яратиш билан шуғулланувчи мутахассислар индивидуал ёки жамоавий тарзда чекланмаган миқдордаги ижодий ишлари билан иштирок этишлари мумкин.**

Танловга қуйидаги номинациялар бўйича ижодий ишлар қабул қилинади:

– "Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик";

– "Ўзбекистоннинг экотуризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик";

– "Миллий қадрият ва урф-одатларни тарғиб этишга қаратилган энг яхши видеоролик";

– "Видеоролик сценарийси учун энг яхши ғоя";

– "Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тўғрисидаги энг яхши видеоролик".

Ғолиблар қуйидаги мукофотлар билан тақдирланади:

– Биринчи ўрин: диплом, ноутбук.

– Иккинчи ўрин: диплом, телевизор.

– Учинчи ўрин: диплом, фотоаппарат.

Танловга ижодий ишлар жорий йилнинг 20 июнидан 1 октябригача қабул қилинади.

Ҳакамлар ҳайъати бир ой мобайнида, яъни 1 ноябргача ижодий ишларни муҳокама қилади.

Ғолибларни аниқлаш ва тақдирлаш маросими 15 ноябргача бўлиб ўтади.

Танлов ҳақида батафсил маълумот олиш учун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилоят кенгашига (Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 60-уй, тел.: 150-65-64, (90) 130-87-97) ёки www.video-tanlov.uz сайтига мурожаат қилишингиз мумкин.

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-290. Адади 8765. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.50.